

ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ҲАЛОКАТ - БИОЦЕНОЗЛАРГА ОМИЛЛАРНИНГ САЛБӢЙ ТАЪСИРИ

Сиддикова Н.К.,
Катта уқувчи
Иброҳимов И.М.
талаба

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти

Аннотация: Мақолада ҳозирги кундаги ўрмон хўжалигига ташки омилларнинг ҳамда микроорганизмларнинг салбӣй таъсири келтирилган. Тадқиқод давомида аниқланган микромицетлар таксономик тақсимлаши маълумотлари берилган.

Калит сўзлар: “табиат”, манзарали дарахтлар, атроф муҳит мусаффолиги, *Hyphomycetales*, *Sphaeropsidales*, *Deuteromycetes*, замбуруғ, факультатив сапротроф, факультатив паразит.

СОВРЕМЕННАЯ ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ КАТАСТРОФА - НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ФАКТОРОВ НА БИОЦЕНОЗЫ

Сиддикова Н.К.,
Старший преподаватель
Ибрагимов И.М.
студент

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Аннотация: В статье представлено негативное влияние внешних факторов и микроорганизмов на современное лесное хозяйство. Приведены данные о таксономическом распределении микромицетов, выявленных в ходе исследования.

Ключевые слова: «природа», декоративные деревья, чистота окружающей среды, *Hyphomycetales*, *Sphaeropsidales*, *Deuteromycetes*, грибы, факультативный сапротроф, факультативный паразит.

MODERN ECOLOGICAL DISASTER - NEGATIVE INFLUENCE OF FACTORS ON BIOCENOSIS

Siddikova N.K.,
Senior instructor
Ibrokhimov I.M.
student

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Abstract: The article presents the negative impact of external factors and microorganisms on modern forestry. Data on the taxonomic distribution of micromycetes identified during the study are presented.

Key words: "nature", ornamental trees, environmental cleanliness, Hyphomycetales, Sphaeropsidales, Deuteromycetes, fungi. facultative saprotroph, facultative parasite.

Кириш. Ер шаригадаги ҳаётни ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, улар тирик организмлар ривожланиши имкониятларида асосий рол ўйнайди. Биз биламиз “табиат” тушунчаси мавжудлигини, яна биз биламизки ундан инсоният ўз манфаатига мос фойдаланишини.

Манзарали дарахтлар шаҳар кўчалари ва хиёбонларга кўрк ва чирой беради атроф муҳит мусаввифлигини сақлайди. Лекин улар бутун вегетация давомида зарарли организмлар таъсирида уларнинг манзаралилик хусусиятлари ёмонлашиши, қисқариши ёки уларнинг бутунлай нобуд бўлиш ҳоллари кузатилмоқда. Кўкаламзорлаштиришда маълум географик ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, ноқулай табиий шароитга чидамли манзарали ўсимлик турларидан фойдаланиш шаҳарлардаги экологик ҳолатни яхшилаш ва иқлимни мўътадиллаштиришда юксак самара беради.

Атроф муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш-шаҳар ва мегополисларнинг асосий муаммоларидан биридир. Бу муаммоларни ижобий ҳал этиш кўп функцияли ободонлаштириш тизимида боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Барча соҳадаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам бир қанча янгиланишлар амалга оширилди.

Манзарали ўсимликлар ҳудудлари манзара ҳосил қилишда асосий рол ўйнаб қолмасдан, балки, санитар-гигиеник жиҳатдан ҳам аҳамияти юқори. Яъни шаҳар шароитидаги атмосферани кислород билан бойитишда ва шовқиндан аҳоли манзилгоҳларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ер шаригадаги ҳаётни сақлаб қолиш ва инсониятнинг қулай экологик шароитда яшашида “ўпка” вазифасини бажарадиган фитоценоздаги ва аҳоли

яшаш жойларидаги дарахт, бута ва ўтлар ресурсларини сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, аҳоли яшаш жойларидаги манзарали дарахтлар экосистеманинг таркибий қисми ҳисобланиб, уларда учрайдиган микобиота вакиллари табиатдаги мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Дунёнинг ўрмон майдонларида патологик текшируви шуни кўрсатдики, Беларусияда зарарланган ҳудудларнинг (83,0%), диплодия билан зарарланган дарахтларнинг 10% гача топилган, глобал исил патогенларнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кучайтирмоқда, Россиянинг Европа қисмидаги ўрмонларга *Erisiphe alphitoides*, *Heterobasidion annosum* *Porodaedalea pini* замбуруғларнинг тарқалиши бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Узоқ Шарқдаги микологик мониторинг натижаларига кўра, игнабаргли дарахтларда 500 дан замбуруғлар турлари аниқланаган.

Манзарали ўсимликлар ўзига хос экосистемани ҳосил қилади, жумладан улар ҳудудни антропоген омиллардан химоя қилишда, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини кислород билан таъминлашда, ҳавони чанг ва бошқа зарарли моддалардан тозалашда, шовқин ва шамолдан химоя қилишда, экологик тоза муҳитни ҳосил қилишда аҳамияти юқоридир.

Манзарали жумладан игнабаргли ўсимликларда агарда ўз вақтида химоя чораларини ўтказмаслик, уларнинг маҳсулдорлигининг пасайиши, қисқа умр кўриши ёки манзаралилик хусусиятларининг пасайишига олиб келади.

Лекин манзарали нинабаргли дарахт ва буталарда ташқи омиллар таъсири натижасида патоген микроорганизмлар таъсирида ҳар хил касалликлар ривожланиши кузатилмоқда. Бу эса ўсимликларни манзаралилик хусусиятларининг пасайиши, умрининг қисқариши ҳамда айрим замбуруғ турларининг атроф муҳитга спораларини чиқариши оқибатида инсонлар саломатлигига ҳам маълум маънода раҳна солиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун эса уларда тарқалган микромицетлар

биотасини тур таркибини ўрганиш ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятларини таҳлил қилиш асосида манзарали ўсимликларни касалликлардан илмий асосланган ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги экологик шароитда, антропоген омилларнинг экотизимга таъсири йилдан-йилга ортиб бораётган бир даврда, сапротроф замбуруғ вакиллариининг паразитлик хусусияти кучайиб бормоқда. Бу жараён замбуруғнинг янги шакллариини ҳосил бўлишига ва фитопатоген хусусиятларини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Уларнинг паразитлик эволюцияси нафақат ўсимликларга, балки айрим ҳайвон ва ҳашоротларга нисбатан ҳам кузатилмоқда (Билай, 1977).

Ер шарида ҳозирги экологик ҳалокат - биоценозларга антропоген омилларнинг салбий таъсири оқибатида микроорганизмлар биологик хусусиятларининг ўзгариши, яшаш учун курашдаги ўзаро рақобатнинг озуқа занжиридаги мувозанатининг бузилиши натижасидир. Бу ўзгаришларнинг сабабларини, юзага келиш қонуниятларини очишда замбуруғларнинг систематикасини, таксономиясини, географик тарқалишини ва биоэкологиясини ўрганиш энг долзарб масала ҳисобланади.

Бизга маълумки, ҳар қандай замбуруғ тури, озиқланиш хусусияти бўйича гетеротроф организмлар бўлиб, улар тайёр озуқа билан озиқланиш хусусиятига эга бўлиб, бунда паразит яъни тирик тўқима билан ёки сапротроф ўсимлик қолдиғи билан озиқланганда ҳам ҳар доим ўсимлик ривожини билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадқиқотлар давомида аниқланган барча замбуруғ турлари 2 та ўсимлик оиласига мансуб 10 та тур нинабаргли дарахт ва буталарни зарарлайдиган 30 та замбуруғ турлари ўсимликларда ривожланиши қайд этилди. Игнабаргли дарахтларнинг экилган уруғлари ҳамда униб чиққан ниҳолларида касаллик қўзғатувчи 3 та синф, 4 та тартиб, 5 та оила, 9 та туркумга мансуб 13 та замбуруғ турлари аниқланди.

Маълумотларига асосан уруғ ва ёш ниҳолларда энг кўпчилик замбуруғ турлари *Hyphomycetales* ва *Sphaeropsidales* тартибига мансуб бўлиб, улардан 12 та тур сўлиш, чириш, касалликларини кўзгатад, кейин 8 та тур доғланиш касалликларини ва бошқа касалликларни кўзгатувчи замбуруғларнинг 3 турдан иборатлиги қайд этилди.

Замбуруғларнинг синфлар бўйича тақсимланишига эътибор қиладиган бўлсак, энг кўпчилик турлар *Deuteromycetes* синфи вакиллари бўлиб, улар 1 тартиб, 2 оила, 8 туркумга мансуб, 11 турдан иборат эканлиги қайд этилди.

Уруғ ва ниҳолларда ҳавфлиги жиҳатдан энг муҳим чириш касаллиги бўлиб, бу касалликни *Fusarium oxysporum*, *F. solani*, *Alternaria alternata*, *Botrytis cinerea*, *Verticillium dahlia* ва *Pythium debarianum* каби замбуруғ турлари кўзгатиши қайд этилди. Айниқса ушбу касаллик туфайли қрим карағайи уруғлари унувчанлиги 70% гача камайиши, ниҳоллар эса 90% нобуд бўлиши қайд этилди.

Ҳавфлилиги жиҳатдан ниҳол ва кўчатларнинг аҳамияти юқори касалликларидан бири доғланиш касаллиги бўлиб, бу касалликларнинг келиб чиқишида 15 тадан ортиқ замбуруғ турлари иштирок этиши қайд этилди. Бу турларнинг кўпчилиги ва факультатив сапротроф ва факультатив паразит ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, ниҳол ва кўчатларнинг турли қисмида ривожланади ҳамда касалликларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Доғланиш касаллигини кўзгатувчи замбуруғлар уруғлар ва кўчатлар учун ҳавfli бўлиб, ниҳол ва кўчатларда касаллик ривожланиши ва баргларнинг тўкилишига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Билай В.И. Основа общей микологии.–Киев. Выща школа. 1989.-389 С.
2. Защита леса от вредителей и болезней; Справочник / Маслов А.Д., Ведерников Н.М., Андреева Г.И. и др. М.: Агропромиздат, 1988.-414 с.
3. Шевченко С.В., Цилюрик А.В. Лесная фитопатология. Киев: Вища школа, 1986.-378 с.
4. Чумаков А.Е., Захарова Т.И. Вредоносность болезней сельскохозяйственных культур. М.: Агропромиздат. 1990.-126 с.

5. Сиддикова, Н. К., Мирзайтова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. К. (2019). КОРНЕВЫЕ ГНИЛИ ХВОЙНЫХ И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)), 10-13.